

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрга ҳозирлик учун йиғлашлари



12:05 / 24.11.2018 4408

Барро ибн Озиб розияллоҳу анҳу ривоят қилади:

“Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик. У зот бир жамоатни кўрдилар ва: “Улар нега тўпланиб туришибди?”, деб сўрадилар. “Қабр қазиш учун”, деб жавоб беришди. Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳаяжонландилар. Сўнгра асҳобларидан тезда айрилиб, ҳалиги жамоа томон бордилар ва қабр ёнига ўтирдилар. Нима қияптилар экан, деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарадим. Муборак бошлари икки қўллари орасида эканини кўрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йиғлар эдилар. Ҳатто кўз ёшлари томчилаб тупроқни ҳўл қилмоқда эди.

Кейин бизга қарадилар ва: “Эй биродарларим! Шундай бир кун учун ҳозирлик кўринг!” дедилар” (“Муснади Аҳмад”, 1/786).

“Пайғамбаримизни йиғлатган ҳодисалар” китобидан